

13/4-25
TO'LOV

Телеграмма.

Тошкент. Матбуотчилар кучаси 6 уй Президент Девонига. Президент Ислон Каримовга:

Нусхаси: Тошкент. Шевченко кучаси 6 уй. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг
Ўзбекистондаги ваколатхонасига:

Нусхаси: Тошкент: Якадемик Яхё Гуломов кучаси 1 уй. Республика Бош прокуратурасига
Нусхаси: Тошкент. Олий Мажлис. Омбудсман Сайёра Рашидовага
Нусхаси: Тошкент. Хамид Олимжон кучаси Халқаро Европада Хамкорлик ва хавфсизлик
ташкilotининг (ОБСЕ) Ўзбекистондаги ваколатхонасига
Нусхаси: Тошкент. Абдулла Кодирий кучаси 1 уй. Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Пленумига:
Нусхаси: Тошкент. Сайилгох кучаси 7 уй. Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик
Хизмати Кумитасига.
Нусхаси: Тошкент. Матбуотчилар кучаси 32 уй «Халқ сузи» газетаси бош мухарририга.
Нусхаси: Тошкент. Навоий кучаси 69 уй Республика телерадиокомпанияси раиси
Абдусайд Кучимовга
Нусхаси: Республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Феруз Гофуровга
Нусхаси: Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига
Нусхаси: Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро матбуотлар журналистларига:

Фаргона миллий хавфсизлик хизмати вакиллари кийноқлар куллашни кучайтириб
Аввал фуқарони аёвсиз қалтақладилар ва унга нисбатан жиноят иши қузгадилар.

12 апрель 2005 йил.

«Фуқаролик жамияти» Халқ харакати Фаргона вилоят миллий хавфсизлик хизмати
бошқармасини Ўзбек халқини ҳукуматга нисбатан нафратланиш ва ҳукуматга қарши
қузғалишга мажбур қилишлик жиноятини содир этаётганликда айбламоқда.

12 апрель куни Фаргона вилоят Миллий хавфсизлик хизмати Фаргона вилоят
бошқармасининг терговчиси Тохир Норматов 11 апрель куни хибсга олинган фуқарони
қуйиб юборишга мажбур бўлди.

Шунга ҳам ота гури қозихонами? Дейишга шошилманг. Бу фуқаро Қирғизистон
Республикасининг Баткент области Қадамжой қишлоғида яшовчи 1968 йилда туғилган, 4
нафар вояга етмаган гудак фарзандларнинг онаси Эргашева Хабибадир.

Миллий хавфсизлик хизмати вакиллари Хабиба Эргашевани гувоҳ тариқасида
чақиртириб, оила аъзоларига ҳабар бермасдан бир кеча бир кундуз хибсда
сақлаганликларининг боиси Фаргона тумани Қургонтепа қишлоғи Янги-йўл кучаси 93-
уйда яшовчи Нишонов Муротни ва унинг шерикларини қурқитиб қуйишдан иборат
бўлган.

Чунки бу фуқаролар, яъни Олтиарик тумани Фуркат кучаси 20-уйда яшовчи Отабек
Норматов, Олтиарик тумани Ислонбод кучасида яшовчи Жумаев Гуломжон, Фуркат
кучаси 4-уйда яшовчи Эрматов Улмасжонлар вилоят МХХ терговчиси Тохир Норматовга,
вилоят прокурори Хамид Нейматовга, вилоят МХХ бошқармаси бошлиғи Мансур
Абдуллажоновга 8 апрель куни ариза билан мурожаат қилиб, узларига нисбатан
утқазилаётган гайриқонуний тергов харакатларига чек қуйишни, МХХ ходимлари
томонидан тортиб олиб қуйилган паспортларини зудлик билан қайтариб беришни талаб
қилган эдилар.

Бундан ташқари бу фуқаролар узлари билан утқазилаётган тергов харакатларида инсон
Ҳуқуқлари халқаро жамияти аъзоси, «Утюралар» клуби номли инсон ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш ташкilotи раҳбари, «Фуқаролик жамияти» халқ харакати асосчиси, мустақил
журналист Муътабар Тожибоевани узларига ҳимоячи сифатида терговда қатнашишини,

бунинг учун карор чиқариб беришни, акс холда ҳеч қандай қурғазма бермасликларини айтгандилар. Бунга асос қилиб эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида муҳокама қилиниб, тасдиқланган ва Ислоҳ Қаримов томонидан имзо чекилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал кодексининг 49 ва 53-моддаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрь кундаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тугрисида»ги қарорини қўрсатгандилар.

Шунингдек Отабек Нурматов, Жумаев Гуломжон ва Эрматов Улмасжонлар томонидан шартнома тузилиб, айнан уларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ёлланган адвокат Эргаш Шерғоziевнинг ҳимоясидан воз кечиб, узаро тузилган шартномани бекор қилганликларини маълум қилгандилар. Шу билан биргаликда адвокат Эргаш Шерғоziев Нишонов Муроджонни адвокати эмаслиги, у билан шартнома ҳам тузмаганлиги, ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш бўйича оғзаки илтимос ҳам қилмаганлиги, лекин адвокат Шерғоziев Эргашни МХХ терговчилари хоҳиш истаги билан Нишонов Муротнинг терговларида ҳеч қандай ҳужжатсиз ҳимоячи сифатида қатнаштираётганликларини ёзгандилар.

1984 йил 10 декабрь куни Бирлашган Миллатлар томонидан қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси имзо чеккан «Кийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шавқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни қамситувчи турларига қарши халқаро конвенция»га имзо чеккан бўлишига қарамасдан ҳуқумат маъмурий органлари томонидан фуқароларга нисбатан, қўпинча умуман бирор бир жиноятга алоқаси бўлмаган, қайсидир Қорчалонинг қузига хунук қуриниб қолган фуқароларга нисбатан ута шавқатсиз, инсонийликка зид, кадр-қимматни қамситувчи турлари қўлланилмоқда.

Мурод Нишонов ҳам ҳеч қандай жиноят содир этмаган. «Фуқаролик жамяти»га ёзган аризасида бу ҳақда Мурод Нишонов шундай деган:

«...23 февраль куни Хонқиз қишлоғида утирганимизда бир нотаниш йигит Жигулида қелиб «Муротақа учта Қамаз Миндон тарафга қикиб қетяпти» деди. Мен урнимдан туриб орқасидан етиб борганимда мен танимаган Гуломжон деган Қамазистни божхона ходимлари ушлаб турган экан. «Ёрдам беринглар» десам унашмади, сунг уйга тушиб қетавердим.

24 февраль куни узимни шахсий ишим билан Водилга борганимда центрда мени МХХ ходимлари ушлаб олишди. Уларга «Нима айбим учун ушладиларинг» десам, «Сени совга қилиб ҳужайинга олиб қиришимиз қерак. Чунки сен семиз қуйсан» дейишди. Кейин мени ҳужайини Мухсин деган одамни олдига олиб қириб у ерда уришиб, оғир аҳволга туширишди ва Мухсин «Кечки пайт таможняга, яъни Водилга бормасанг сени наркотик билан бўлса ҳам қаматамиз» деди.

Водил таможнясига қечки пайт бордим, борганимда Қапчугай қишлоғида яшовчи Тирқашев Иқром исмли қули йигит ва унинг шериклари «Бу бизни юк Вторчерметга олиб қетяпмиз, ҳужжатларимиз бор» дейишса ҳам «Бу Муротни юқи, сенлар аралашма» деб қулиларни қурқитишди. Кейин Иқромга қарата «Сен судлангансан бўйнингга олма» деб айтишди. Сунг мени қонасига олиб қириб Мухсин ва Равшан деган МХХ ходимлари роса дуппослашди, бу орада «сотқа» орқали раҳбарлари билан алоқада бўлиб туришди, гапларини уз қулогим билан эшитиб турдим. Сотқадаги бошлиғи «Бўйнига қуйинглар, бўйнига олмагунча ураверинглар» деди. Кейин бу 2 нафар МХХ ходими мени унғ қулимни уриб синдиришди, қуқрагимга тешишди, чап қошимни ёришди.

Соат 10-дан қечасиги 03 гача урганликлари учун қидолмасдан уларга «Олиб қелинғ қогозларинғни, айтган нарсаларинғни ёзиб бераман, менга тинчлик қерак» деб улар расмийлаштирган ҳужжатларга имзо қекдим, яъни қилмаган жиноятни қилдим деб бўйнимга олдим, чунки мени 5 нафар фарзандимни қуз олдимга қелтириб, қийнаганликлари сабабли азобларига қидолмасдан мажбур ёзиб бердим. МХХ ходимлари айтдики «Ёзиб берсанг сенга теғмаймиз, қамамаймиз уйингга қетаверасан» деди.

Улар мени вахшийларча калтаклаётган пайтларида гувоҳлар, яъни уртогим Рахимов Шавкат, Нурматов Абдумуталиб акалар бор эди. Шавкат деган уртогимга айтдим, бориб уйимиздагиларга хабар бер мени кийнашяпти» деб айтдим. Шавкат уйга келиб акамларга айтибди. Акамлар соат 06-лар чамасида врачлар билан яъни Уролов Шукуржон, Кодиржонов Икромжон, Кодиржонов Тулкинжонлар билан бирга бориб «Муротни нимага урдиларинг?» деб таможня ходимларидан сурашганида улар «Биз урганимиз йук, МХХ ходимлари урган» дейишган. «Кимлар урди» деб акам сураганида Тамонжняда «Дознователь» булиб ишловчи Бахтиёр ва шериги Шавкатлар «Мухсин билан Равшан исмли МХХ ходимлари уришди, шу ахволга ушалар туширишди» деб айтишган...».

Мурот Нишоновни ахволи огирлашганидан кейин 25 февралдан 10 март кунигача Фаргона тумани Марказий поликлиникасида даволанган. Унга даволовчи врач имзо чеккан 16 март кунги 254-сонли маълумотномага асосан бош мия чайкалиши ва бошка тахшислар куйилган. Лекин МХХ ходимлари калтаклаганини айтганлиги учун криминал хабар берилмаган, хужжатлар расмийлаштирилмаган.

МХХ бошкармасининг Фаргона туманидаги худудий булими ходимлари Мухсин ва Равшанлар жиноятга кул урдилар, яъни Жиноят Кодексининг 301-моддаси «Хокимиятни суисътемомол килиш, хокимият ваколатидан ташкарига ташкарига чикиш ёки хокимият харакатсизлиги жиноятини 2-кисмини, яъни баданга уртача огирликда шикаст етказиб содир этдилар. Лекин хали-хануз бу жиноятчилар эмас, Нишонов Мурод МХХ бошкармасига катнаб жиноятчи сифатида кургазма бермоқда.

Киргизистонлик Хабиба Эргашевага хам Нишонов Мурод ва Тиркашев Икромлар билан жиноий тил бириктириб кимматбахо темир парчаларини Киргистонга олиб утиш жиноятига кул урган ва жиноятларини якунлай олмасдан колишган деб айб куйишган. Лекин Эргашева Хабиба бу айбга икром булмаган. «Утюраклар» клуби томонидан дархол бу фукарони адвокат билан таъминлаб, химоя килинганидан сунг 200 минг сум гаров пули олиб куйиб юборишга мажбур булишди. Лекин айнан Мурот Нишонов калтакланган куни конуний хужжатлар билан Вторчетмертга юк олиб кетаётган Камаз машиналар таможняга олиб кириб куйилган. Уларнинг кулида мавжуд булган юк хужжатлари эса МХХ ходимлари томонидан йиртиб ташланган.

Бизнинг фикримизча ута кашшок бу мамлакатнинг хукумати калбаки хужжатлар билан фукароларга тегишли булган хусусий мулкларини давлат фойдасига мусодара килишни янги усулини оммавийлаштирмоқдалар. 2004 йил 19 апрелдан 19 декабргача Наманган МХХ хисобига олинган ва Наманган телевидениесида ким ошди савдосига куйилаётганлиги хакида рекламалар берилган 30 та Форд автомашинасини мулк эгаларига кайтариб беришга мажбур булганликларини унутган куринадилар.

«Фукаролик жамияти» номли халк харакати номидан зудлик билан Мухсин ва Равшан исмли МХХ ходимларига нисбатан жиноят иши кузгатилишини, Нишонов Мурод, Отабек Нурматов, Жумаев Гуломжон, Эрматов Улмасжон ва Хабиба Эргашеваларга нисбатан калбаки хужжатлар билан кузгатилган жиноят ишларини хакикий хужжатларни, шартномаларни нусхаларини иш материалига кушиб жиноят ишини харакатдан тугатишни, 50 кундан буён тортиб олиб куйилган Камаз автомашиналарни мулк эгаларига зудлик билан кайтариб беришни, бу фукароларнинг химоячиси сифатида катъий талаб киламиз. Акс холда Киргизистоннинг бугунги кундаги хукуматидан Киргизистонлик аёлнинг хукукларини оёк ости килаётган Узбек хукуматига баёнот беришини сурашга мажбур буламиз ва узбек хукуматини истеъфосини талаб килиб киска кунларда транспорт йулларини Камаз автомашиналар билан тусиб норозилик намоишлари бошлашга мажбур буламиз.

Маргилон шахар Зухро кучаси 31 уй 31-хонадонда жойлашган «Фукаролик жамияти» халк харакати ва «Утюраклар» клуби номли инсон хукукларини химоя килиш ташкилоти рахбари, мустакил журналист Муътабар Тожибоева.

Муътабар Тожибоева